

VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

Вилоят бўйича жорий йилнинг январь-июнь ойларида чакана савдо товар айланмаси 6079,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 97,2 % ни ташкил қилди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 391,0 млрд. сўмни (ўсиш суръати 2,4 м.), кичик тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 5282,8 млрд. сўмни (ўсиш суръати 97,5 %), уюшмаган савдо товар айланмаси 405,3 млрд. сўмни (ўсиш суръати 60,6 %) ташкил этди.

Чакана савдо товар айланмаси (овқатланишни қўшган ҳолда) таркиби, фоизда (2020 йил январь-июнь ойларида)



2020 йилнинг январь-июнь ойларида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.




Давлат мулки 36,5 млн. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,6 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 6042,6 млн. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,4 % ни ташкил қилди.


Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Қарши шаҳри 21,9 %, Косон 7,7 %, Қарши 7,7% ва Китоб 12,2 % туманлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, Деҳқонобод тумани 3,3 %, Ғузур тумани 3,9 %, Шаҳрисабз тумани 3,6 %, Муборак тумани 3,1 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Қашқадарё вилоятида туман ва шаҳарларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши, фоизда



Жумладан, 2020 йилнинг январь-июнь ойлари мобайнида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 1,9 % ни ташкил этиб, 117,0 млрд. сўмга етди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 93,5 % ўсишга эришилди. Бунда жами савдо айланмасининг 93,7 % улуши кичик тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келмоқда.

Туманларнинг умумий овқатланишдаги улуши, фоизда



Умумий овқатланиш корхоналарини кўшган ҳолда, чакана савдо товар айланмаси аҳоли жон бошига 1847,3 минг сўмни ташкил этди. Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичлари Қарши шаҳрида (4816,1 минг сўмни), Шаҳрисабз шаҳрида (2636,9 минг сўмни), Китоб туманида (2805,5 минг сўмни), Муборак туманида (2106,0 минг сўмни) кузатилди.


Чакана товар айланмаси умумий (умумий овқатланишни қўшган ҳолда)
(2020 йил январь-июнь)

	<i>Жами</i>		<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2019 йил январь-июнга нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>минг сўм</i>	<i>2019 йил январь-июнга нисбатан, % ҳисобида</i>
Қашқадарё вилояти	6079,1	97,2	1847,3	95,3
Ғузор	319,8	100,7	1565,5	98,6
Дехқонобод	199,1	90,6	1349,9	88,8
Қамаши	389,5	98,1	1433,6	96,1
Қарши	470,5	97,4	1894,3	95,3
Косон	469,1	95,2	1641,8	93,2
Китоб	739,5	101,4	2805,5	100,0
Миришкор	147,0	89,9	1229,2	88,2
Муборак	183,2	97,0	2106,0	95,0
Нишон	132,5	89,8	865,7	87,6
Касби	145,3	92,3	738,7	90,3
Чироқчи	409,6	99,6	992,7	97,0
Шаҳрисабз	339,0	92,9	1527,8	91,6
Яккабоғ	438,2	97,1	1664,4	95,4
Қарши ш.	1329,5	99,5	4816,1	98,0
Шаҳрисабз ш.	367,3	92,7	2636,9	91,5

Йил бошидан вилоят бўйича улгуржи савдо товар айланмаси 1207,9 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 71,8 % ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмасида энг юкори ҳажм кичик тадбиркорлик субъектларига тўғри келиб, мазкур ҳажм 2020 йил январь-июнь ойлари яқунларига кўра, 924,6 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 91,7 % ни ташкил этди. Ушбу секторнинг умумий улгуржи савдо айланмасидаги улуши эса 76,5 % ни ташкил қилмоқда.

Қашқадарё вилоятида ҳудудларнинг улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши, фоизда



Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 8,3 % га камайиб, 924,6 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 76,5 % ни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси

(2020 йил январь-июнь)

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2019 йил январь-июнга нисбатан, % ҳисобида</i>
Қашқадарё вилояти	1207,9	71,8
Ғузор	4403	100,5
Дехқонобод	13,1	78,4
Қамаши	43,5	92,5
Қарши	57,5	82,6
Косон	56,9	101,5
Китоб	44,6	96,4
Миришкор	40,1	74,1
Муборак	30,0	54,9
Нишон	25,0	46,3
Касби	32,7	61,1
Чироқчи	65,0	94,9
Шаҳрисабз	35,3	103,4
Яккабоғ	34,6	98,8
Қарши ш.	627,9	63,8
Шаҳрисабз ш.	97,4	89,4